

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ “МУНОЖОТ” АСАРИДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ

Муаллиф: Рўзиев Тоир Бобоназарович

Аннотация. Ушбу мақолада Алишер Навоийнинг «Муножот» асари исломий ақида, Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар асосида таҳлил қилиниб, ундаги маънавий-ахлоқий тарбия масалалари ёритилган. Асарда Аллоҳнинг гўзал исмлари, ҳамд, наът ва муножотнинг мазмун-моҳияти, банданинг тавба, ихлос, тавозеъ, муҳаббат ва таслимият каби руҳий-ахлоқий фазилатлари таҳлил этилган. Шунингдек, асардаги Қуръон оятлари ва ҳадисларга ишоралар, Навоийнинг тасаввуфий қарашлари ҳамда «Лисон ут-тайр» ва бошқа асарлари билан маъно уйғунлиги қиёсий жиҳатдан ўрганилган. Муаллиф «Муножот» асарининг нафақат юксак бадий намуна, балки инсон маънавий камолотини тарбияловчи муҳим ахлоқий-маърифий манба эканини илмий асослайди.

Калит сўзлар: Алишер Навоий, «Муножот», маънавий тарбия, ахлоқий тарбия, Қуръони карим, ҳадиси шариф, тасаввуф, ҳамд, наът, муножот, тавба, ихлос, тавозеъ.

Abstract. This article analyzes Alisher Navoi's Munajat from the perspective of Islamic creed, the Qur'an, and the Prophetic Sunnah, with particular emphasis on its spiritual and moral educational values. The study examines the concepts of divine praise (hamd), praise of the Prophet (na't), and supplication (munajat), highlighting such ethical virtues as repentance, sincerity, humility, complete submission to God, and spiritual devotion. It also explores Navoi's references to Qur'anic verses and Prophetic traditions, his Sufi worldview, and the thematic relationship between Munajat, Lisan al-Tayr, and his other literary works. The article concludes that Munajat is not only a masterpiece of classical literature but also an important source of Islamic moral education and spiritual refinement.

Keywords: Alisher Navoi, Munajat, spiritual education, moral education, Qur'an, Hadith, Sufism, hamd, na't, supplication, repentance, sincerity, humility.

Ислом ақидасига кўра, банда ўзининг чинакам ҳолатини англаган сайин Аллоҳнинг улуғлигини, марҳамати ва раҳмати чексизлигини ҳис этади ҳамда ўзининг ғариб, гуноҳкорлигини чин дилдан эътироф қилиб, тавба йўлида бардавом бўлади. Ушбу йўналишга оид асарлар бадий адабиётда "муножот" деб аталади. "Муножот" сўзи арабча сўз бўлиб, дил асрорларини оҳиста, яширин баён этиш маъносини билдиради. Алишер Навоий асарларида эса мазкур йўналиш мутлақо айрича ифода этилган. Унинг алоҳида ушбу номдаги "Муножот" асари машҳурдир.

"Муножот" – Аллоҳга илтижо тарзида яратилган насрий асар бўлиб, "Ҳамд", "Наът" ва "Муножот" деб аталган уч қисмни ўз ичига олади.³ "Ҳамд"да Аллоҳнинг буюклиги, абадийлиги ҳақида сўз борса, "Наът"да Пайғамбаримиз Расули акрам таърифлари кетирилади. Чунончи шоир унинг муқаддимасидаёқ ўз сўзларини шундай бошлайди:

"Зиҳи исминг азим, Раҳмонлиғу Раҳимлиғинг вожибут таъзим".⁴ Яъни, Аллоҳим, Сенинг исминг қанчалар улуғ ва буюк, меҳрибон ва раҳмлигинг эса жонфидо бўлгудек ҳурмати вожиб ва лозимдир. Навоий бу сўзлар билан Аллоҳга дуо-илтижо қилиш аввалида Унинг гўзал исмлари орқали Унга боғланмоқчи бўлади. Унинг гўзал исмларидан айнан "Раҳмон ва "Раҳим" – беҳад меҳрибон ва раҳмли маъноларини англатувчи, бандаларига дунё-охиратда инъом ва эҳсон – яъшилиқ ва марҳамат қилувчи маъноларини англатувчи икки буюк исми билан бошлайдики, бу билан шоир гўё ўзининг асл кўзланган мақсади ва ниятига эришгандек. Яъни у ўзининг Буюк Парвардигорига Унинг Ўзи эълон қилган, Китобининг жуда кўп ўринларига зикр этган ва бандарини ҳам шу исмлар орқали Унга илтижо қилишларини буюрган икки буюк исми билан илтижо қилмоқда. Ушбу маънолар асарнинг давомида янада чуқур мазмун кашф этади:

"Исм – Сенинг исминг, ва Раҳмонлиғ ва Раҳимлиғ – Сенинг қисминг, Сен – ганж ва офариниш тилисминг. Исмнинг жамий сифоти – асмой ҳусно, Раҳмонлиғ ва Раҳимлиғингга юз минг ҳамду сано, Раҳим ҳам Сен, Раҳмон ҳам Сен, Азим ҳам Сен, Субҳон ҳам Сен".

Эътибор берилса, агар банда Буюк Парвардигорига шу хилда илтижо қилса, қани айтингчи, У қачонда бу бандасига раҳм кўрсатмайди? Уни ярлақамайди?! Ахир, ожиз банда ўз ажзи ва нотаъволиғи билан Унинг бор улуғлиги-ю, азаматини эслатиб турган бўлса?!

Мана бундай ҳаяжонли сўз ва иборлар мазкур "Муножот" асарида тўлиб тошиб ётибди. Қизиғи шундаки, мазкур ибора ва илтижолар айнан Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар мазмунига тўла мослигидидир. Қуръони каримда шундай дейилади: "(Эй Муҳаммад), айтинг: "Аллоҳ деб чорлангиз, ёки Раҳмон – Меҳрибон деб чорлангиз. Қандай чорласангизлар ҳам, У зотнинг гўзал исмлари бордир"⁵.

Биз ҳали асарнинг ҳамд қисмига ўтганимиз йўқ. Ҳамд қисмида шоирнинг муносабати мутлақо бошқача тус олади. Энди у Парвардигорини Буюк қудратларини тилга олади. Азамат ва жабарут Унинг сифати экани, мулку-малакут Унинг ҳукму фармони остида экани, борлигига бидоя – бошланиш, ва ниҳоят – тугаш йўқ эканини айтиб олқишлайди:

³ Муножот / Нашрга тайёрл. ва луғатлар муаллифи: Суйима Ғани қизи. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1991.

⁴ Алишер Навоий. Муножот, МАТ. 20 жилдлик, Ж. 7.– Тошкент, Фан, 2000, – Б. 293.

⁵ Исро сураси, 110-оят.

"Илоҳи, азамат ва жабарут Сенинг шаънингдир ва мулку малакут Сенинг ҳукму фармонингда, азиятинга бидоят йўқ, абадиятинга ҳадду ниҳоят йўқ".⁶

Шундай Буюк зотга бутун борлиқ, ҳар гиёҳу япроқ тасбеҳ айтиши, Уни улуғлаб, ҳамдлар айтиши тушуниш мумкин:

"Даҳр гулшанида ҳар гиёҳу яфроғ, Сенинг ҳамдинга зокир, сипеҳр анжуманида ҳар ҳарфу авроқ Сенинг неъматинга шокир".⁷

Айни маънолар Қуръони каримдаги қуйидаги оятларга ҳамоҳангдир: "Етти осмон, ер ва улардаги бор жонзот (Аллоҳни) поклаб тасбеҳ айтур. Лекин сизлар (бандалар) уларнинг тасбеҳларини эшитмасизлар".⁸

Асарнинг Пайғамбар алайҳиссаломга наът қисми ҳам шу каби гўзал маъноларга тўладир. Чунончи, шоир унда Пайғамбар алайҳиссаломни ҳали Одам тупроғи қорилмасдан аввал пайғамбар бўлганликлари мазмунидаги сўзлари билан бошлайди:

"Улки, "Кунту набийян ва Одаму байнал мой ваттийн" мазмуни анбиёга муқаддамдур "рахматан лил оламин" ва "хотамун набиййн" мантуқи билан аларга муқаддам ва муаххардур, ҳабиби Ҳазрати Илоҳ Муҳаммад Расулуллоҳ саллолоҳу алайҳи васалламдур".⁹

Эътибор берилса, мазкур муқаддиманинг ўзиёқ, ҳам Пайғамбар алайҳиссаломнинг барча пайғамбарлардан афзал ва ортик эканлари, улардан ҳам маънода ҳам ҳақиқат ҳолда муқаддам ва муаххар эканларининг исботи бўлибгина қолмай, шу биргина жумлада қуръони каримдаги икки оят ва бир ҳадисга ҳақимона ишора қилинмоқда. Унда Пайғамбар алайҳиссаломнинг "Мен "Одам тупроғи қорилмасдан аввал пайғамбар эдим" деган сўзлари ҳадиси шариф бўлиб, уни Имом Байҳақий "Далоилун нубувва"асарида келтирган.¹⁰

Ундаги "рахматан лил оламин" – "оламларга раҳмат" ибораси Қуръони каримдаги Ҳаж сурасида келган бўлса, ва "хотамун набиййн" – "пайғамбарларнинг сўнггиси" ибораси эса Ахзоб сурасида келгандир.

Асарнинг "Муножот" қисми бевосита шоирнинг Аллоҳдан нажот сўраб қилган илтижоларига бағишланган. Асарнинг ҳар бир жумласи Аллоҳга мурожаат, яъни "Илоҳи" сўзи билан бошланади. Навоий ўзини беҳад гуноҳкор, Яратган буюк зотни пок ва акрам (карамли), ўзини чексиз исёнкор ва Холиқни раҳмли ва меҳрибон деб атар экан, гўзал бадиий санъатларнинг бетақрор намуналари шоир ҳис-туйғулари билан уйғунлик касб этганини кўраимиз:

Илоҳи, акрам ул-акрамин – сен ва мен – гуноҳкор.

Илоҳи, арҳам ар-роҳимин – сен ва мен тийрарўзгор.

⁶ Алишер Навоий. Муножот, МАТ. 20 жилдлик, Ж. 7.– Тошкент, Фан, 2000, – Б. 293.

⁷ Алишер Навоий. Муножот, МАТ. 20 жилдлик, Ж. 7.– Тошкент, Фан, 2000, – Б. 293.

⁸ Исро сураси, 44-оят.

⁹ Алишер Навоий. Муножот, МАТ. 20 жилдлик, Ж. 7.– Тошкент, Фан, 2000, – Б. 294.

¹⁰ Имом Байҳақий. Далоилун нубувва. Байрут – Дорул кутубул илмия. 1990, –

Илоҳи, агарчи журму исёндin ўзга ишим йўқ, аммо сендин ўзга ҳам кишим йўқ...

Булар асарнинг диний нуқтаи назардан таҳлилига оид дастлабки мулоҳазалар бўлса, уни бадиий жиҳатдан таҳлил қилинганида ҳам кўплаб гўзалликларни кўрамиз. Яъни "Муножот" асари моҳиятан Ҳақ васлига ташна, орифлик мақомига эришган ошиқнинг ҳиссиётларини ўзида акс эттириб, услубий жиҳатдан назм ва наср хусусиятларини намоён қилади. Асарнинг ўзига хос мусикий оҳанги, гўзал услубдан маҳорат билан фойдаланилганлиги унинг бадиий жиҳатдан қийматини оширган, деб айтиш мумкин. Мазкур асар ўзининг ғоявий ва бадиий хусусиятлари билан мумтоз адабиётимиздаги шох асарлари сифатида ўз ўрнига эгадир. Дарқоқе, муножот услуби Алишер Навоий асарларига хос бўлган услубдир. У ўзинг барча асарларида у ёки бу тарзда Парвардигорга дуо-илтижо қилади, Унинг марҳумларидан умидвор эканини айтади. Бу ҳилда илтижолар баъзи асарларининг муқаддимсида келган бўлса, баъзи асарларининг хотима қисмида берилади. Баъзиларида узундан-узон байт ва мисралар орқали ифодаланса, баъзиларида қисқа, аммо лўнда тарзда келтирилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳар қандай асар диний мазмунга оид бўлиши учун унда диний иборалар – оят, ҳадслар, исломий қараш ва таълимотлар келтирилишининг ўзи кифоя қилмайди. балки бундай ибора ва мисоллар бошқа илмий асарларда ҳам келтирилиши мумкин. аср том маънода диний мазмунга эга бўлиши учун у кишига соф исломий туйғу ва имоний ҳис бериши зарур. Шундагина у диний-исломий асар бўла олади. Ҳазрат Навоийнинг "Муножот" асари худди шундай – кишига руҳоний завқ, имоний ҳузур ва қувват бағишловчи асардир.

Унда келтирилган ҳар бир дуо ва илтижо беихтиёр киши қалбига етиб боради, ўқувчи уни ўз тилибна айтаётгандек бўлади. бу орқали китобхон руҳиятида ўзгача бир ҳузур, қандайдир тозариш ва имоний сакийнат ҳосил бўлади. қалбида Буюк Парвардигорига самимий муҳаббат, Унга интилиш, Унинг даргоҳини кули бўлишга рағбат пайдо бўлади. Қилаётган дуо-илтижоларидан қониқиш, кўнгил тўлиши каби маънавий таъсирлари эсча уни ҳаётдан зерикмасликка, янги куч-ғайрат билан фақат олдинга интилишга ундайди. Биз Ҳазрат Навоийнинг "Муножот" асарида худди шундай ҳолатларни топамиз. Бу эса асарнинг том маънода диний мазмундаги асар эканининг яққол исботидир.

Хулоса қилиб айтганда Алишер Навоий асарлари Шарқ ислом адабиётининг юксак намуналаридир. Улуғ мутафаккир Алишер Навоий ижодининг ирфоний-фалсафий ва адабий-эстетик асослари Қуръони карим ва ҳадис шарифга таянади. Буюк шоир поэтик мазмун ва шаклда ҳам, поэтик образ ва услубда ҳам, бадиий санъатларни қўллаш ва вазн танлашда ҳам ана шу икки мўътабар манбага асосланган. Энг аҳамиятли жиҳати, Ҳазрат Алишер Навоий ислом маърифати асосларини адабий-эстетик мезон билиб, асарларида юксак талқин этиш баробарида, муқаддас ислом дини арконларига бир умр мукамал даражада амал қилиб яшаган. Буюк шоир ҳаёти ва ижоди ана шу фазилатларга кўра ҳам абадиётга

дахлдор ва барча замонлар учун ибрат бўла олади. Бу хусусият унинг барча назмий ва насрий асарларида кўзга ташланади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. Давлатов О. Алишер Навоий ижодида Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг бадиий талқини. ПхД дисс. – Самарқанд, 2017.
2. Комилов Н. Фақр нури порлаган қалб. – Тошкент: Маънавият, 2001.
3. Ғаффорова З. Навоийнинг ҳамд ва наът ғазаллари. Тошкент: – Маънавият, 2001.
4. Олим Султонмурод. Нақшбанд ва Навоий. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
5. Муҳиддинов М. Комил инсон – адабиёт идеали. – Тошкент: Маънавият, 2005.
6. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, тестологик таҳлили. – Тошкент: Академнашр, 2011.

